

Жаннат аҳлининг егуликлари ҳақида



09:30 / 16.02.2019 5560

Абу Саид Худрий розияллоху анху ривоят қиладилар: "Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: "Қиёмат куни ер битта нон зувалаги каби бўлади, сизлар хамир қориб, зувала қилганингиз янглиғ Аллоҳ таоло уни зувала қилгай, сўнг жаннат аҳлига таом қилиб йўллагай", дедилар. Шу аснода бир яҳудий келиб: "Эй Абулқосим, Аллоҳ таоло сизга баракот ато қилсин! Қиёмат куни жаннат аҳлига юбориладиган егулик ҳақида сизга айтиб берайми?" деди. Жаноб Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: "Ҳа, айт!" дедилар. Яҳудий: "Ҳа, Набий айтганларидек, қиёмат куни ер битта нон зуваласи каби бўлади", деди. Шунда Набий соллаллоху алайҳи васаллам бизга бир кулиб қараб қўйдилар, ҳатто қозиқ тишлари кўриниб кетди, сўнг "Уни хушхўр қилувчи хурушлари ҳақида ҳам айтиб берайми? У "лом" ва "нун" билан хушхўр бўлади", дедилар. Саҳобалар: "У нима?" дейишди. Жаноб Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам: "Ҳўкиз ва наҳанг бўлиб, уларнинг жигаридан ўсиб чиққан парчасини етмиш минг киши ейди", дедилар" (Бухорий ва Муслим ривояти).

Расулуллоҳнинг соллаллоху алайҳи васаллам мавлолари Савбон ривоят қилади: "Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ҳузурларида ўтирган эдим, бир яҳудий руҳоний келиб: "Ассалому алайка, эй Муҳаммад соллаллоху алайҳи васаллам", деди. Шунда мен уни бир итариб юбордим, йиқилиб тушишига оз қолди. У менга: "Нега итарасан?" деди. Мен:

"Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам, демайсанми?" дедим. Яҳудий: "Биз уни аҳли чақирадиган ном билан чақирамиз", деди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Аҳлим мени Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам, деб чақиради", дедилар. Жухуд: "Сендан баъзи нарсаларни сўраш учун келдим", деди. Жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга: "Айтганларим сенга фойда берармикан?" дедилар. У: "Икки қулоғим билан эшитаман", деди. Сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қўлларидога чўп билан ерни чиздилар-да: "Сўра", дедилар. Яҳудий: "Ер бошқа ерга, осмонлар бошқа осмонга айланиб қоладиган кунда инсонлар қаерда бўлади?" деди. Жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Кўприксиз зулмат-да", деб жавоб бердилар. Яҳудий: "Биринчи ижозат бериладиган инсонлар кимлар?" деди. Жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "Муҳожирларнинг фақирлари", деб жавоб бердилар. Яҳудий: "Уларнинг егуликлари нима?" деди кейин. Жанобимиз: "Улар учун жаннатнинг кўкатларидан еб юрган жаннат ҳўкизи сўйилади", деб жавоб бердилар. Яҳудий: "Унинг кетидан ичадиган ичимликлари нима бўлади?" деди. Жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: "У ердаги салсабил чашмасидан ичадилар", дедилар. Шунда ҳалиги жухуд руҳоний: "Рост айтдинг", деди" (Муслим ривояти).

Имом Қуртубийнинг «Тазкира»сидан